

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 33 (1632), 2026 йил 18 февраль, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz.uz\_news



## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 февраль куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Буюк Британиянинг Марказий Осиё ва Озарбайжон бўйича савдо вакили лорд Жон Олдердайсни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикликни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий соҳада янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сиёсий мулоқот жадал ривожланаётгани, барча даражаларда алмашинувлар фаол давом этаётгани таъкидланди. Хавфсизлик соҳасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Кейинги 5 йилда товар айирбошлаш 2 баравар ошди. Лондон фонд биржасида Ўзбекистоннинг 15 миллиард доллардан ортиқ қийматдаги суверен ва корпоратив облигациялари жойлаштирилди. Утган йили Қўшма иқтисодий қўмига механизми ишга тушди.

Британиялик ҳамкорлар билан биргаликда Президент мактаблари ташкил этилди ва унга қўшма университет муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўзбекистонга ташриф буюраётган британиялик сайёҳларнинг сони ортиб бормоқда.

Суҳбат давомида энергетика, молия, геология, транспорт, кимё, фармацевтика, фан ва таълим соҳаларида янги лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, минтақавий ва глобал аҳамиятта молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қўшма "йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 17-19 февраль кунлари Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштирок этиш учун амалий ташриф билан ушбу мамлакатга жўнаб кетди.

Кенгашнинг биринчи саммити АҚШ Тинчлик институтида бўлиб ўтади ҳамда Ғазо секторини тиклаш, унга гуманитар ёрдам кўрсатиш, ушбу минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига бағишланади.

Ўзбекистон етакчиси ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида Американинг етакчи компаниялари ва молия институтлари раҳбарлари иштирокидаги стратегик лойиҳалар тақдироти ҳамда

иқтисодий соҳага оид икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросимида иштирок этиши ҳам кўзда тутилган.

Эслашиб ўтамиз, Тинчлик кенгаши АҚШ Президенти Дональд Трампнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Ўзбекистон жорий йил январь ойда Швейцариянинг Давос шаҳрида унга таъсисчи давлат сифатида қўшилди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ: ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мунтазамлик касб этган Ўзбекистон — АҚШ сиёсий алоқалари иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.



Ўзбек диаспораси АҚШда ўзининг иқтисодий иштирокини мустаҳкамламоқда, миллий аъёнларни сақлайдиган, ватандаги ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлайдиган ва халқимизнинг бой маданий меросини тарғиб қилиш орқали икки мамлакат ўртасидаги ўзаро тушунишни яхшилашга ҳисса қўшаётган лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бу воқеалар, ўз навбатида, давлатлар ўртасидаги

бўлажак расмий учрашувлар учун ижобий контекстни шакллантиради.

АҚШда ўзбек диаспорасининг фаол иштирокига янги миллий савдо марказининг очилиши мисол бўла олади. Американинг Пенсильвания штатидаги Филадельфия шаҳрида "Asr" ўзбек супермаркетининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Давоми 2-бетда

## МАҲАЛЛА — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮРАГИ



Президентимиз шу йил 16 февраль куни "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш" йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида"ги фармонни имзолади. Ушбу тарихий ҳужжат билан Маҳалла инфратузилмасини янада такомиллаштириш ва улارга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш бўйича устувор ислохотлар дастури ҳам тасдиқланди.

Мазкур дастурлар илгор хорижий тажриба, замонавий бошқарув стандартлари ва миллий тараққиёт эҳтиёжлари асосида мутлақо янги ёндашув руҳида ишлаб чиқилгани билан аҳамиятлидир. Уларда давлат сиёсатининг жорий йил учун белгилаб берилган устувор йўналишлари, аниқ мақсадли кўрсаткичлари ва уларга

эришишнинг пухта ўйланган механизмлари мужассам. Энг муҳими, ушбу ҳужжатлар маҳаллага шунчаки ижтимоий институт сифатида эмас, балки тараққиётнинг таянч нуқтаси сифатида қаралаётганидан далolat.

Давоми 3-бетда

## ИПАКЧИЛИК СОҲАСИ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ипакчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдирот билан танишди.

Мамлакатимизда ипакчилик ва пиллачилик аҳолини даромадли иш билан таъминлаш, қишлоқ жойларда бандликни ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтиришда муҳим ўрин тутаяди. Лекин озуқа базасидан бошлаб, пиллани чуқур қайта ишлашгача бўлган барча жараёнларда тўпланиб қолган муаммолар соҳа салоҳиятини тўлиқ ишга солишга тўсқинлик қилмоқда.

Хусусан, ипак қурти уруғининг салмоқли қисми импорт ҳисобига тўғри келмоқда. Маҳаллий уруғдан фойдаланиш даражасини 2030 йилгача 75 фоизга етказиш имкони борлиги, бунинг учун насли уруғчилик станциялари фаолиятини тиклаш зарурлиги қайд этилди.

Тақдиротда Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги насли уруғчилик станцияларида элита уруғлар тайёрлашни йўлга қўйиш, мавжуд 10 та ипак қурти уруғчилик корхонасига қўшимча жорий йилда Бухоро ва Наманганда 2 та янги уруғчилик корхонасини, 2027-2029 йилларда Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 4 та янги корхона ташкил этиш режалари ҳақида ахборот берилди.

Наслчилик ва уруғчилик корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга хорижий малакали мутахассисларни жалб қилиш, мав-

сумий ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш харажати-нинг ярмини қоплаб бериш ҳамда уларнинг фаолиятини даромад ва ижтимоий солиқ объекти сифатида ҳисоблашнинг тақдирот этилди.

Пилла сифатини ошириш учун озуқа базасини яхшилаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Озуқа базасини 2026-2030 йилларда босқичма-босқич кенгайтириш режалаштирилган. Жумладан, 8 минг гектарда янги тузорлар барпо қилиш, 41,5 минг гектар майдонда яққа қатор тут кўчатларини экиш, 15 минг гектардаги тузорларни реконструкция қилиш назарда тутилган. Бунинг натижасида 2030 йилга қадар 200 миллионга тут кўчатлари экилиши ва озуқа базаси 30 фоизга ошиши кутилмоқда.

Пилла етиштириш ҳажмлари озуқа базасини таҳлил қилиш асосида прогноزلантирилади. Хусусан, 2026 йилда 30 минг тонна, 2030 йилга бориб 36 минг тонна пилла етиштиришга чиқиш режа қилинмоқда.

Соҳадаги ишлар янги тизим асосида ташкил этилади. "Ўзбекинаксаноат" уюмаси, вилоят ва туман "Агропилла" тузилмалари, ипакчилик кластерлари ўзаро мувофиқлашган тарзда иш юритиб, янги тузорларни ташкил этишдан тортиб, етиштирилган пиллани сотиб олишгача бўлган барча босқичларда фермерлар, касаначилар ва қурт боқувчилар иш-ни ташкил этади ҳамда уларга қўмақлашади.

Кам даромадли, ижтимоий реестрга киритилган оилаларни пиллачиликка жалб этиш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, жорий йилдан бошлаб "маҳалла еттичилиги" орқали аҳолига 1 килограмм пилла қийматининг 35 фоизи миқдоридида субсидия, парваришlash жиҳозлари ва ускуналар харидига 20 миллион сўмгача ссуда ажратиш йўлга қўйилди.

Пиллачиликка саноат усулини кенгайтириш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Ҳозирда пилланинг асосий қисми хонадон шароитида етиштириляётгани қайд этилар экан, махсус қуртхоналар ташкил этиш орқали ҳажм ва сифат барқарорлигини таъминлаш имконини таъкидланди. Кластерлар томонидан қуртхоналарни қуриш ва ишга туширишни рағбатлантириш, шу жумладан, қуртхоналарни ер ва мол-мулк солиғидан 2029 йил 1 январга қадар озод қилиш тақдирот қилинди.

Экспорт ва қўшилган қийматни ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Айни пайтда маҳаллий пилладан юқори сифатли хом ипак олиш ва уни қайта ишлаш улуси пастигича қолаётгани қайд этилди. Сифатни ошириш ва чуқур қайта ишлашни кенгайтириш ҳисобига экспорт тушумларини

250 миллион долларгача ошириш имконини кўрсатиб ўтилди. Жумладан, 2030 йилга қадар умумий қиймати 200 миллион долларлик 21 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш хом ипакни қайта ишлаш ҳажмини 3 минг тонна ва даражасини 75 фоизга етказиб, 18,5 миллион погон метр ипак мато ишлаб чиқариш имконини беради.

Экспортда тайёр маҳсулот улусини ошириш, янги бозорларни ўзлаштириш, миллий брендларни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Соҳага рақамли технологияларни кенг жорий қилиш зарурлиги қайд этилди. Озуқа базасининг ҳисоби, корхоналар реестри, соҳадаги ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни электрон шаклда юритиш, уруғлик ва пилла хомашёси ҳажмлари, пилла қабул қилиш пунктларини реал вақт режимида мониторинг қилиш жараёнларини қамраб олган ягона ахборот тизими ишлаб чиқилиши белгиланди.

Президентимиз ипакчиликни ривожлантириш бўйича тақдиротларни маъқуллаб, озуқа базасини мустаҳкамлаш, маҳаллий уруғчиликни кенгайтириш, саноат усулини жорий этиш ва тайёр маҳсулот улусини ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

ЎЗА

## РАМАЗОН — ХАЙРУ САҲОВАТ, МЕҲРУ МУРУВВАТ ОЙИ

Бу йил ҳам шундай бўлди. Президентимиз "РАМАЗОН — МЕҲРУ-МУРУВВАТ, АҲИЛЛИК ВА ШУКРОНАЛИК ОЙИ"да юртимизда инсон қадрини янада улуглаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва адолатли жамият барпо этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида "Вақф" хайрия жамоат фондига 750 МИЛЛИАРД СЎМ ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги орқали 300 МИЛЛИАРД СЎМ ажратилиши бўйича кўрсатма берди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда **ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ** асосида йўлга қўйилган меҳрли сиёсат том маънода ҳаётини ифодасини топмоқда, халқимиз меҳрини қозонмоқда. Бу халқпарвар сиёсат намунаси, айниқса, Рамазон ойида янада ёрқин намоён бўлиб, меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани бор гап.

Президентимиз ташаббуси билан Рамазон ойида **700 МИНГТА ОИЛАГА МОДДИЙ ЁРДАМ КўРСАТИЛАДИ. Шунингдек, 6 МИНГ ФУҚАРОНИНГ ДАВОЛАНИШИ ВА ЗАРУР ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАР ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИ.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ: ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

## Бошланиши 1-бетда

Ушбу лойиҳа Филадельфиядаги ўзбек диаспораси вакиллари томонидан амалга оширилди. Тантанали тадбирда ўзбек жамоатчилиги билан бир қаторда турк, фаластин, афғон, рус ва украин диаспоралари вакиллари ҳам иштирок этди.

“Asr” супермаркетининг очилиши Нью-Йоркда фаолият юритаётган “Tashkent” ўзбек супермаркетлар тармоғи сингари АҚШдаги миллий савдо инфратузилмасининг муҳим бўлагига айланди. Филадельфиядаги янги марказ кенг турдаги маҳсулотларни, жумладан, Ўзбекистондан импорт қилинган товарларни тақлиф этмоқда.

Супермаркетда нафақат савдо қилиш, балки миллий пазандачилик анъаналарини сақлаб қолиш учун ҳам барча шароитлар яратилган. Бу ерда гўшти ҳалол усулда нимталаш, ўзбек миллий таомларини тайёрлаш учун махсус хоналар ҳамда ташриф буюрувчилар тайёр маҳсулотларни тановул қилиши мумкин бўлган умумий овқатланиш жойлари ташкил этилган. Махсулотларнинг юқори сифати ва талабларга мослиги тури миллият вакиллари бўлган хариддорларнинг доимий қизиқишини таъминламоқда.

Очилиши маросими карнай-сурнай ансамбли ва рақс жамоасининг чиқишлари билан давом этди. Тадбирда сўзга чиққан жамоатчилик вакиллари ва мамлакатимиз дипломатлари бу каби ташаббусларнинг хорижда Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини алоҳида қайд этди.

Иқтисодий фаолликдан ташқари, АҚШдаги ўзбек диаспораси ватанини қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, жамоатчилик фаоли Отабек Маҳкамов ташаббуси ҳамда АҚШдаги ўзбек диаспорасининг фаолиги билан Нью-Йоркда Тошкент шаҳрида жойлашган У. Курбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонасига ёрдам кўрсатиш мақсадида инсонпарварлик акцияси ташкил этилди.

Ушбу ташаббус доирасида диаспора вакиллари ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш



мақсадида бирлашди. Ингилган маблаг ҳисобидан замонавий тиббий асбоб-ускуналар, диагностика ва реабилитация муолажаларини ўтказиш учун жиҳозлар, махсус шифобахш озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинди.

Юборилган ускуналар аллақачон тиббиёт муассасасига етказилган ва шифокорларнинг амалий фаолиятида қўлланмоқда. Бу неврологик ва психоневрологик касалликларга чалинган болаларга кўрсатилаётган ёрдам сифатини ошириш имконини беради.

Ушбу инсонпарварлик акцияси Ўзбекистоннинг Нью-Йорк шаҳридаги бош консулхонаси иштирокида амалга оширилди ва хориждаги ватандошларимизнинг бирдамлиги, уларнинг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшишга самимий интилишининг яна бир намунаси бўлди.

Ўзбекистон элчихонаси ва бош консулликнинг расмий йўналиши бўйича ҳам, халқ дипломатияси имкониятлари орқали ҳам жадал алоқалар маданий соҳада самара бермоқда. Элчи Фурақ Сиддиқов АҚШ Осиё санъати миллий музейи директори Чейз Робинсон билан учрашувда шулар ҳақида батафсил суҳбат қилган.

Учрашувдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашиш

бўлди. Шу билан бирга, музейлар соҳасида қўшма дастурлар, академик ташаббуслар ва профессионал алмашинувларни амалга ошириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Суҳбат чоғида Чейз Робинсон Ўзбекистон халқини Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Ислоҳ цивилизацияси марказининг бунёд этилиши билан табриқлади. Унинг таъкидлашича, ислом Яқин Шарқда пайдо бўлганига қарамай, диннинг жаҳон цивилизацияси тарихида муҳим босқич бўлган илмий ва маданий равнақи кўп жиҳатдан Марказий Осиё, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди билан боғлиқ.

Унинг фикрича, мамлакатдаги кенг қўламли ислохотларни маданий ва интеллектуал уйғонишининг янги босқичи сифатида кўриш мумкин.

Томонлар маданий меросни асраб-авайлаш ва оммалаштириш, икки мамлакат музейлари ўртасидаги институционал ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қўшма кўргазмалар, илмий тадқиқотлар ва мутахассислар алмашинуви ташкил этиш масалаларини кўриб чиқди.

Жорий йилда АҚШ мустақиллигининг 250 йиллиги муносабати билан музей директори элчихона билан ҳамкорликда ўзбек маданияти ва мамлакатнинг сайёҳлик салоҳиятини оммалаштиришга бағишланган дастурларни амалга оширишга тайёрлигини билдирди.

Ўзбекистон музейлари билан тўғридан тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди. Чейз Робинсон барқарор ва узоқ мuddатли шерикликни шакллантириш мақсадида республиканинг тегишли музей муассасалари билан ўзаро алоқалар меморандумларини имзолаш устувор вазифалардан бири эканини таъкидлади.

Учрашув якунида томонлар “Smithsonian Magazine” журналининг Ўзбекистон маданияти ва тарихий меросига бағишланган махсус сонини тайёрлаш ва нашр этиш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга келишиб олди.

Бундан ташқари, Чейз Робинсон элчихона билан ҳамкорликда Ўзбекистонга режалаштирилган сафар ҳақида маълумот берди. Сафар доирасида юртимизнинг бой маданий мероси, тарихий шаҳарлари, мейморий обидалари, замонавий шаҳарсозлик ютуқлари билан танишиш ниятида эканини айтиб, миллий таомларга қизиқиш билдирди.

Мамлакатлар ўртасидаги маданий ҳамкорлик мусиқа йўналишида ҳам ўз ифодасини топтомоқда. Ўзбекистонлик пианиночи Беҳзод Абдураимов илк бор АҚШдаги машҳур Кеннеди-Трамп номидаги санъат марказида Америка миллий симфоник оркестри ва унинг бош дирижери — италиялик маэстро Жанандреа Нозеда билан ҳамкорликда уч кунлик концерт дастурини намойиш қилди.

Ушбу концерт дастурини кўзланган асосий мақсад Ўзбекистоннинг маданий мероси, миллий санъати ва туризм салоҳиятини АҚШ жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, икки давлат ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Элчихона дипломатлари концертнинг дастлабки кунини АҚШ расмий доиралари ҳамда ватандошларни концерт дастурига тақлиф этиб, Ўзбекистон ҳукумати номидан расмий қабул маросимини уюштирди.

Мазкур тадбир Ўзбекистоннинг ижобий халқаро имижини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг маданият ва туризм салоҳиятини тарғиб этиш ҳамда Ўзбекистон — АҚШ ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилди.

Ушбу ташаббусларнинг барчаси — миллий савдонинг ривожлантириш ва ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлашдан тортиб, маданий алмашинувлар ва мусиқий дастурларга — Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг кенг қўламини намойиш этди. Диаспоранинг фаолиги ва қўшма лойиҳалар билан томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, миллий меросни тарғиб қилиш ва мамлакатнинг хориждаги ижобий имижини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

“Дунё” АА Вашингтон

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, ОЛИЙ ТАЪЛИМ АЪЛОЧИСИ КАРИМ ОЙБЕКОВИЧ ЭГАМҚУЛОВ



Бутун ҳаёти ва меҳнат фаолиятини мамлакатимиз таълим соҳаси тараққиётига бағишланган фидойи устоз, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, олий таълим аълочиси Карим Ойбекович Эгамқулов 87 ёшида вафот этди.

Карим Эгамқулов 1939 йил 5 майда Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида туғилди. 1964 йилда Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети)ни тугатиб, шу даргоҳда катта лаборант бўлиб иш бошлади. Сўнгра ушбу институт аспирантурасида таҳсил олди ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1969-1972 йилларда Сирдарё вилояти “Билим” жамияти масъул котиби сифатида ишлаб, халқимизга зиё ва маърифат улаштиришга муносиб ҳисса қўшди.

1972-1975 йилларда Сирдарё давлат педагогика институти проректори вазифасида самарали фаолият юритиб, ўзининг етакчилик салоҳиятини, ташкилотчилик ва ташаббускорлик қабилатларини намойиш этди.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, С. ТУРДИЕВ, Э. ТУРДИМОВ

# ШУКУХ ФАЙЗУ БАРАКА, АҲИЛЛИК ВА ШУКРОНАЛИК ОЙИ

Мамлакатимизда барча соҳада кечаётган янгиликлар ҳар бир юртдошимиз ҳаётида ўз ифодасини топтомоқда. Диний-маърифий соҳадаги ислохотлар, янги очилаётган масжид-мадрасалар, қайта чиroy очаётган улут қадамжолар юртимиз мўмин-мусулмонларини қечкиз мамнун этмоқда. Бу ўзгаришлар “Инсон қадри учун” ғоясини ҳаётга татбиқ этишни кўзда тутади ҳамда она ватанимизни янада обод этиш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, тинчлик-осойишталикни асраш ва ёшларни қомил инсон этиб тарбиялаш мақсадини кўзлайди.



Музаффархон ЖОНИЕВ, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

муслмонлар Рамазон кирганда саховатлироқ бўлишга одатланган. Давлатманд кишилар закотларини айнан Рамазонда адо этган. Бу ойнинг баракасидан ҳар бир уй баҳраманд бўлиб, мўминлар қалбига шодлик кирган.

Шу сабабли бу муборак ойда ҳар биримиз ён-атрофимизда ёрдамга муҳтож кишилар бўлса, қўлимиздан келганча уларга яхшилик қилиб қолсак, айни муддао бўлади. Яқин 30 кунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазири Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳокимликлар Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мамлакатимизда Рамазон ойини миллий аънава ва қадриятларга мос тарзда ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширади.

Жумладан, кам таъминланган, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни ўзаро ҳурмат, ҳамжихатлик, адолат ва тарбия масканига айлантириш, ер, сув, ҳаво ва табиий муҳитни асраш, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ва қабристонларни обод этиш, Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирларни исрофгарчиликка йўл қўймасдан, ихчам, мазмунли ва тежамкорлик асосида ўтказишга алоҳида эътибор берилди.

Юқоридagi қарор қабул қилинган кун давлатимиз раҳбари Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада

кучайтириш масалаларига бағишланган йнгилиш ўтказганида ҳам чуқур маъно ва юксак инсонийлик фазилатлари мўжассам.

Буюк аждодимиз Имом Бухорий ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайгамбар алайҳиссалом бундай дейдилар: “Бева ва мискинларга эҳсон қилиш учун ҳаракат қилган киши туни билан намоз ўқиб, кун бўйи рўза тутиб юрган киши қабидир”.

Ушбу ҳадис Рамазон ойининг меҳр-муруват, аҳиллик ва шукроналик руҳияти билан узвий боғлиқдир. Чунки Пайгамбаримиз бу ҳадис орқали ибодат фақатгина намоз ва рўза билан чекланиб қолмаслигини, балки инсонларга, айниқса, жамиятнинг энг заиф қатламлари — бева-ёлғизлар ва мискинларга меҳр кўрсатиш ҳам улкан ибодат эканини таъкидламоқдалар.

Рамазон ойи нафсини тарбиялаш, қалбни юмшатиш ва бошқалар дардига бефарқ бўлмасликка ўргатади. Шу маънода, эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзиш рўзанинг маънавий самарасидир. Ҳадисда бева ва мискинга хизмат қилиш жиҳод, тунги ибодат ва доимий рўзага қиёсланиши, исломда ижтимоий адолат ва раҳм-шафқат қандай юксак қадриятларини яққол кўрсатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ишлар қилинаётгани ҳам ана шу пайгамбарона таълимнинг ҳаётдаги ифодасидир. Бу хайрли



ташаббуслар орқали Рамазон нафақат шахсий ибодат ойи, балки жамиятда меҳр-оқибат, аҳиллик ва ўзаро гаҳмхўрликни мустаҳкамлайдиган улкан маънавий мактаб сифатида намоён бўлмоқда.

Йнгилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда сўнгги йилларда инсон қадрини улугулаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва адолатли жамият барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар кечмоқда. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида фуқаролар фаровонлигини таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш ва жамиятда меҳр-оқибат муҳитини кучайтиришни устувор вазифа деб билади.

Мазкур тамойиллар, айниқса, Рамазон ойида янада ёрқин намоён бўлиб, саховат ва ҳамжихатлик қадриятлари амалий ишлар билан мустаҳкамланмоқда. Президентимиз муборак ойда нуронийлар, ёлғиз ва эҳтиёжманд фуқаролар қўлдан хабар олиш, оғир аҳволга тушиб қолган оилаларга амалий кўмак бериш эзу қадрият эканини таъкидлади.

Йнгилишда шу мақсадда ишлаб чиқилган “Рамазон — меҳр-муруват, аҳиллик ва шукроналик ойи” ширси остидаги комплекс чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берилди. Уларни амалга ошириш учун “Вақф” хайрия жамоат фондида 750 миллион сўм ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги орқали 300 миллион сўм ажратилиши белгиланди.

Ажратиладиган маблағлар ҳисобидан эҳтиёжманд оилаларга бир маргалик моддий ёрдам кўрсатиш, ногиронлиги бор шахсларнинг даволаниш ва жарроҳлик амалиётлари харажатларини қоплаб бериш кўзда тутилган. Президентимиз ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилаларнинг аниқ ва шифоф рўйхатини шакллантириш, ёрдамларни фуқароларнинг дини, миллати ва ижтимоий келиб

чиқишидан қатъи назар, тенг ва адолатли тарзда етказиш шартигини алоҳида таъкидлади. Масъул идораларга бу борада қатъий назорат ўрнатилиши топширилди.

Бугун муқаддас динимизга эътибор янги босқичга кўтарилиб, юртимиз мусулмонларининг диний ибодатларини эмин-эркин адо этиши учун йилдан йилга қулай шароитлар яратилаётгани барчамизнинг кўз олдимизда юз бераётган ўзгаришлар сирасига кирди. Бундан ташқари, халқимизга хос бағрикенглик, муруватлилик хислатлари ҳам кундалик ҳаётимизнинг бир қисмига айланди. Эҳтиёжмандлар ҳамда илм-маърифат йўлида изланаётган ёшларга ёрдам қўлини чўзилмоқда. Барча маҳаллаларда зиёлилар, ҳурматли нуронийларимиз иштирокида тадбирлар, маърифат кечалари каби маросимлар бўлиб ўтмоқда. Мана шундай йнгиликлардан фойдаланиб, оилавий ришталарни мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ўзаро тушуниш ва ишонч муҳитини кучайтириш ҳамда ҳурмат ва меҳр-оқибат қадриятлари тарғиб этиляпти.

Ислол тарихида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий ва бошқа алломларимиз алоҳида ўрин тутди. Улар ўз асарлари ва илмий мерослари орқали инсониятнинг бағрикенглик, адолат, инсонпарварлик ва тинчлик ғояларига давъят қилганлар. Утган вақт мобайнида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилди. Ушбу муассасалар жамиятда соғлом маънавий муҳитни таъминлашга, ёшларни замонавий фикрлайдиган ва буюк аждодларимизга ҳар жиҳатдан муносиб этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ислол бағрикенг, ўзга миллат ва бошқа дин вакилларига меҳр-саховат кўрсатадиган диндир. Зотан, қайси жамиятда диний бағрикенглик тамойилларига риоя қилинса, ўша жамиятда ўзаро ҳурмат ва сониимият қарор топиб, барча инсонлар тинч ва осойишта ҳаёт кечиради. Тинчликсиз тараққиёт ва фаровонлик бўлмагани каби диний бағрикенгликсиз тинчлик барқарор эмас.

Рамазон ҳар бир хонадонга файз ва баракка бўлиб кириб келсин!





Фаровонлик харитаси

МАҲАЛЛА

Янги Ўзбекистоннинг юраги



Бошланиши 1-бетда

Кенгашли тўй тарқамас

Халқимиз минг йиллар давомида ушбу ҳикматга қатъий амал қилиб келган. Зеро, маслаҳат ва бирдамлик билан қилинган иш барқарор, тартибли ва барқали бўлади. «Тўй» сўзи эса умумий — катта иш, тадбир, жамоавий ҳаракат деган маънода қўлланган. Соҳибқирон Амир Темури бобомиз ҳам «Темури тузуклари»да салтанат ишларининг ўндан тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат билан бажарганини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Демак, буюк давлатчилик анъанамизда ақл, маслаҳат ва жамоавий фикр устувор ўрин тутган.

Бугун ана шу эзгу тамойил янгича маъно-мазмун касб этмоқда. Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришган илк кунлардан оқ дўлат бошқарувида очилган ва маслаҳатлашуви бош меъзога айланган. Энди муҳим қарорлар тор доирада эмас, балки жамоатчилик иштирокида муҳокама этилиб, қабул қилинмоқда. Ҳатто қонун ва қонуности ҳужжатлар лойиҳалари Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилиб, фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва эътирозлари ўрганилмоқда. Бу — «кенгашли тўй»нинг замонавий кўриниши десак, муболага бўлмайди.

Чунки яқин ўтмишда мамлакат ҳаёти билан боғлиқ муҳим қарорлар, айрим қонун ва қонуности ҳужжатлар муайян «кабинет»ларда, чекланган доирада, баъзан алоҳида шахсларнинг хоҳиш-иродаси билан қабул қилинган. Бундай ҳужжатлар эса тўлақонли бўлмаган, кутилган самарани бермаган, ўз навбатида, ижрода ҳам муаммоларга сабаб бўлган. Янги давр эса бутунлай бошқа талабни қўймоқда: давлат — халқ учун, қарор — халқ билан бирга қабул қилиниши шарт.

Шу маънода, бугунги ислохотлар замирида халқ домини маънавий ҳаётнинг ўша қадимий ҳикмати муҳасамаси: кенгаш билан қилинган иш тарқамиди, халқ билан қабул қилинган қарор мустаҳкам бўлади.

Бунинг тасдиғи сифатида фармон лойиҳаси ҳам дастлаб Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари порталига жойлаштирилиб, бутун мамлакат жамоатчилиги муҳокамасидан ўтказилди. 23 январь — 1 февраль кунлари оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларида кенг тарғиб қилинди. Интернетда лойиҳа билан 5 миллиондан зиёд фойдаланувчи танишиб, бу бўйича 22 мингдан зиёд фикр-мулоҳаза ва тақлифлари билдирди.

Бундан ташқари, ОТМлар ва давлат идораларида, АҚШ, Германия, Туркия, Франция, Канада, Жанубий Корея, Япония, Швеция, Португалия ва Қозғоғистондаги ватандошлар иштирокида баҳс-мунозаралар ташкил этилиб, қўшимча тақлифлар олинди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси ташаббуси билан республикамиздаги 8992 та маҳаллада очилган мулоқот шаклида ўтказилган фармон лойиҳаси муҳокамасида аҳолининг турли қатламлари ўз қараш ва истакларини эркин билдириш имкониятига эга бўлди.

Учрашувларда аҳоли фармон лойиҳасида белгиланган чора-тадбирлар, айниқса, маҳалла маблағи сарфи бўйича очилган ҳисобдорликни кучайтириш, маҳаллаларда ички йўллар, пиёдалар ва велосипед йўлакларини ташкил этиш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлади. Энг муҳими, юртдошларимиз мамлакатимиз келажакга дахлдор масалаларга бефарқ эмаслигини амалда намоён этди. Улар билдирган тақлиф ва мулоҳазалар лойиҳани



Кaxрамон ҚУРОНБОЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

янада такомиллаштириш, ҳаёт талаблари ва аҳоли эҳтиёжларига янада мослаштиришга хизмат қилди.

Таҳлиллар натижасида конструктив деб топишган 1000 га яқин тақлиф саралаб олинди, лойиҳага киритилди. Бу, ўз навбатида, халқимиз ислохотлар жараёнида фаол иштирок этётгани ва мамлакат тараққиётига дахлдор қарорлар қабул қилинишида ўз масъулиятини теран англаётганининг ёрқин ифодасидир.

амалга ошириладиган устувор ислохотларнинг асосий йўналишлари белгиланди. Маҳаллаларда 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш орқали қўшимча 100 мингта янги иш ўрнини очиш, камбағаллик ва ишсизликдан холи маҳаллалар сонини 3500 тага етказиш, маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштиришга 20 триллион сўм йўналтириб, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш, маҳаллалардаги муаммоларни бир вақтнинг ўзида тезкор ҳал этишга барча давлат органларига масъулиятни юклаб, ижронини 24/7 режимида онлайн назорат қилиш амалиётини йўлга қўйиш шуллар жумласидан.

Ушбу рақамлар шунчалик статистик кўрсаткичлар эмас. Ҳар бирининг ортида Президентимиз бошчилигидаги жамоанинг туну кун изланиши, пухта ҳисоб-китоби ва катта масъулият муҳасамаси. Булар оддий рақамлар эмас, балки минглар оиланинг дастурхони тўқин, ёшлар ишли, маҳаллалар обод ва фаровон бўлади дегани.

Энг муҳими, ҳар бир рақам ортида инсон тақдирини, ҳар бир режа ортида юрт келажакни турибди. Бу — янги Ўзбекистонини барпо этиш йўлидаги аниқ қадамлар, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган қатъий ироданинг ифодаси. Шу бонс, бу кўрсаткичлар фақат иқтисодий мақсад сифатида эмас, балки халқ ишончига, эртанги кунга умид ва масъулият рамзи сифатида қадридлидир.

Барқарор

муваффақият асоси

Ҳар бир рақам ортида инсон тақдирини муҳасамаси

Бугун мамлакатимиздаги ислохотлар марказида инсон манфаати, фаровон ҳаёти ва муносиб турмуш шариоити турибди. Шу маънода, Маҳалла инфратузилмасини янада такомиллаштириш ва уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш бўйича устувор ислохотлар дастури жойларда муаммоларни кутмасдан ҳал этишнинг, тараққиётни маҳалланинг ўзида бошлайдиган янги бошқарув моделига ўтишнинг амалий ифодасидир.

Бугун маҳалла фақат маънавий тарбия ўчоғи эмас, балки муаммоларни тезкор ҳал этувчи таянч нуқтага айланмоқда. Зеро, фармонда маҳаллани ривожлантириш бўйича

Маҳалланинг иқтисодий қудрати ошмас экан, ижтимоий барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш мушкул. Шу бонс, дастурда маҳаллада санаят ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш белгиланиб, уни маҳалланинг ҳақиқий тараққиёт нуқтасига айлантиришга қаратилган стратегик қадам сифатида намоён бўлмоқда.

Жумладан, маҳаллалар худудига қонунчиликда белгиланган тартибда ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил этиш учун кредит маблағларини ажратишга жами 5 триллион сўм йўналтириш режалаштирилган. Шунингдек, мақсудларда тадбиркорлик субъектлари учун ажратилган кредит фонзининг миллий валютада 10 фоизгача, хорижий валютада 4 фоизгача бўлган қисми «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ томонидан қўллаб-қувватлаш назарда тутилмоқда.

Натижада йил якунига қадар 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш орқали маҳаллаларда қўшимча 100 мингта янги иш ўрни очилди. Бу эса маҳаллани нафақат яшаш манзили, балки барқарор даромад манбаи, ташаббус ва имкониятлар маконига айлантиради.

Инсон муаммоси куруқ статистика эмас, балки тирик тақдирдир. Шу бонс, дастурда маҳаллаларда аҳоли муаммоларини хонадон-бай ўрганиш ва давлат органлари томонидан уларнинг ҳал этилишини онлайн назорат қилиш тартибининг жорий этиш кўзда тутилмоқда. Ушбу тизимга кўра, «маҳалла еттилиги» вакиллари ҳар бир хонадондаги муаммоларни режа-жадвал асосида ўрганиб, аниқланган масалаларни «рақамли маҳалла» платформасига киритилади. Кейин эса ушбу муаммолар сунъий интеллект орқали тегишли вазирлик ва идораларга тақсимланган ҳама улар ҳал этилмагунча ижро ҳолати Вазирлар Маҳкамаси томонидан қатъий назорат қилинади.

Шу билан бирга, аҳолининг аниқланган муаммоларини ҳал этиш даражаси вазирлик ва идоралар раҳбарияти фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонларида бири сифа-

танда белгиланди. Хонадонбай аниқланган муаммолар ижроси Ҳисоб палатаси ва Бошқарув самардорлиги агентлиги томонидан назорат қилинади ҳамда ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борилади.

Бу билан аҳолининг барча муаммосини ҳал этишни бир вақтнинг ўзида тегишли идораларга юклаш ва натижаси бўйича аниқ муддатда сўров қилиш тизими шаклланди. 100 дан зиёд давлат органининг аҳоли муаммоларини ҳал этишдаги тўғридан тўғри иштироки таъминланди. Онлайн назорат ва сунъий интеллект асосида мувофиқлаштирилган мақсуд муаммоларни орқача сарсонгарчиликсиз, белгиланган муддат ва аниқ масъулият билан ҳал этиш имконини беради.

Маҳалладаги ислохотларнинг самараси, аввало, уни амалга ошираётган кадрларнинг масъулияти ва ваколатларини аниқ белгилашга боғлиқ. Шуни инобатга олиб ҳолда, дастурда «маҳалла еттилиги» фаолиятини ташкил этиш жараёнини ислоҳ қилиш масаласи ҳам назарда тутилган. Унга кўра, 500 та маҳаллада снов тарихисида «маҳалла еттилиги» вакиллари уларнинг ўзи истиқомат қилаётган ва ёндош маҳалладан тайинлаш амалиёти жорий этилади.

Шунингдек, «маҳалла еттилиги» аъзоларини йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш фақат фуқаролар йиғини раисининг руҳсати билан амалга оширилади. Уларга вазифа ва фаолият йўналишларига дахлдор бўлмаган вазифаларни юклаш қатъий тақиқланади. Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси томонидан мақсуд талабини бузгани учун давлат органлари ва ташкилотлари масъул ва мансабдор шахсларини эгалаб турган лавозимидан овоз этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш юзасидан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга тақлифлар киритиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Пировард натижада «маҳалла еттилиги» фаолиятини ташкил этишда фуқаролар йиғини раисининг роли сезиларли даражада ошди, тайинлов жараёнида худуднинг реал ҳолатини яқини биладиган мутахассислар реал

саралаш имконияти кенгайди. Уларнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилиши орқали орқача вазифалар юклатилишига чек қўйилди, ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди. Энг муҳими, маҳаллада бошқарув тизими тартибли, масъулиятли ва натижага йўналтирилган шаклга келади.

Хулоса қилиб айтганда, ўнган банддан иборат мақсуд муаммоларни оддий мазмурий бўғин эмас, балки иқтисодий ўсиш, ижтимоий барқарорлик ва адолатли бошқарув марказига айлантиришни кўзлайди. Ҳар бир қарор ортида инсон тақдирини, ҳар бир рақам замирида оила фаровонлиги муҳасамаси экани эса ушбу ислохотларнинг стратегик ва чинакам халқчилик аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди.

Кенг қўламли вазифалар юксак масъулиятни талаб этади

Фармон ҳамда у билан тасдиқланган Маҳалла инфратузилмасини янада такомиллаштириш ва уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш бўйича устувор ислохотлар дастурида белгиланган вазифалар қўлами гоёя кенг ва масъулиятлидир. Маҳаллаларда минглаб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш, юз минглаб янги иш ўринларини очиш, камбағалликни қисқартириш, инфратузилmani такомиллаштириш, муаммоларни хонадонбай ўрганиш, рақамли назорат ва сунъий интеллект асосида бошқарув тизимини жорий этиш — буларнинг барчаси маҳалланинг фақат ижтимоий институт эмас, балки стратегик ривожланиш марказига айланаётганидан далолат беради.

Бу жараёнда Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси тизими ходимларининг масъулияти алоҳида аҳамият касб этади. Чунки маҳаллада ҳар бир ташаббус, ҳар бир ислохот, аввало, жойлардаги амалий ижро ва ташкиллий салоҳиятга боғлиқ. Уюшма, «маҳалла еттилиги» аъзолари нафақат ижрочи, балки давлат ва жамоатчилик ўртасида ташкилий куч сифатида намоён бўлиши лозим. Улардан фақат интизом ва масъулият эмас, балки ташаббускорлик, адолат ва холислик ҳам талаб этилади.

Вазифалар қўламининг кенглиги ҳар биримиздан ўз ишимизга янгича ёндашуви, рақамли кўникмаларни эгаллашни, аҳоли билан ишлаш маданиятини янада юксалтиришни тақозо этади. Чунки маҳалла тизимидаги ҳар бир хатти-ҳаракат бутун давлат сиёсати самардорлигига таъсир кўрсатади. Агар жойларда иш тизими ва натижадор ташкил этилса, энг пухта режа ҳам ҳаётда ўз самарасини беради. Акс ҳолда, энг яқини гоёя ҳам кутилган натижани бермаслиги мумкин.

Шу маънода, маҳалла ходимларининг фидойилиги, масъулияти ва касбий маҳорати янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омилидир. Чунки маҳалла — бу шунчаки худудий бирик эмас, балки инсон тақдирини ҳал этиладиган, ишонч мустаҳкамландиган, адолат ҳарор топадиган макон.

Бағдод туманидаги «Чекхитой» маҳалла фуқаролар йиғинида Зарбдор тажрибаси бўйича Тошкент — Ўш халқаро автомагистралнинг бир километр қисмида 90 та савдо ва хизмат кўрсатиш объекти бунёд этилди. Халқаро аҳамиятдаги бу йўл аҳоли ва транспорт қатнови учун жуда қулай. Бу ерда озиқ-овқат, хўжалик моллари дўконлари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш шохобчалари ишга туширилди, 180 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Бундан икки-уч йил илгари бу ерлар мана шундай обод, файзли масканга айланадеса, ҳеч ким ишонмаган, — дейди «Чекхитой» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдэмчиси Нурматжон Ғозиев. — Бугунга келиб бу ерлар маҳалламизнинг энг гавжум, файзли масканларидан бирига айланди. Янги йўл, йўлақлар қурилди, электр, сув тармоқлари тортилди, ҳудуд кўкаламзорлаштирилди, мўқобил энергияда ишловчи тунги ёритиш чироқлари, транспорт тўхташ жойлари қурилиб, куну тун хизмат кўрсатиб келмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини куриш истагини билдирган ташаббускорларга 300 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилди. Маҳалламиз тунда ҳам кундуздек чароғон, одамлар, транспорт ҳаракати бир зум бўлса-да тўхтамайди. Қўшни маҳалла-дагилар, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар бу беминнат хизмат турларидан баҳраманд бўляпти.

Ислохотлар остонаси

Бугун хизмат кўрсатиш соҳаси вилоят иқтисодиёти драйверларидан бирига айланди. 2017 йили вилоятда бу йўналишда 10 мингдан ортиқ хизмат кўрсатиш объекти мавжуд эди ва бугунга келиб соҳада 40 мингдан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш тармоғи ташкил этилди. Истиқболли тармоқ 600 мингдан зиёд аҳоли бандлигини таъминлади.

Вилоятда хизматлар ҳажми 71,7 триллион сўмини ташкил этиб, бир йил олдингига қараганда 114,4 фоиз кўпайган. Энг юқори ўсиш кўрсаткичлари молия, ижара, алоқа ва ахборотлаштириш, транспорт ва таълим хизматлари ҳиссасига тўғри келади.

— Утган йилнинг ўзида ҳар бир маҳаллада 18 турдаги хизматлар йўлга қўйилиши натижасида 4600 дан ортиқ янги шохоба иш бошланди, — дейди вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси шўъба бошлиғи Зоҳиджон Солиев. — Худудларда хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларини ташкил этишга мўлжалланган 1987 та кўча ва енгил конструкцияли савдо ҳамда сервис объектини барпо этиш учун 1400 гектар электрон аукцион орқали савдога чиқарилиди. Дастур доирасида вилоятда 24/7



режимида хизмат кўрсатувчи 11 та марказий кўчада қиймати 230,2 миллиард сўмлик 279 та янги объект фойдаланишга

топширилди. Шунингдек, 121 та хизмат кўрсатиш объекти фаолият кенгайтирилди, 64 та шохоба 24/7 режимида ўтказилди. Марғилон шаҳридаги Аҳмад Ясавий кўчасининг уч километр қисмида туну кун хизмат кўрсатиш имкониятини яратиш учун республика бюджетидан 450 миллион сўм ажратилди. Бу ерда безакли ва тунги чироқлар ўрнатилди, вело ва пиёдалар йўлига қурилди, инфокиоск, банкомат, бепул интернет майдонлари ташкил этилди. Шунингдек, халқаро автомагистрал ва давлат аҳамиятидаги йўллар буйида умумий қиймати 131,2 миллиард сўмлик 151 та лойиҳанинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Якунига етган йилда бу йўналишда 238 та лойиҳа ҳаётга таътиқ этилди ва 960 та янги иш ўрни яратилди.

Ёзёвон туманидаги «Тошхўвуз», «Марказий Фарғона», «Наврўз» «Юқори сойбўйи» маҳалла фуқаролар йиғинлари худудининг автомагистрал йўли буйининг 2,5 километр қисмида дренажлар усти ёпилди ва инфратузилма билан таъминланиши натижасида хизмат кўрсатиш ва савдо объекти қурилиши якунига етказилмоқда.

Вилоятда аҳоли учун 370 та йўналишда 6,6 мингдан ортиқ жамоат транспорти ҳаракатланмоқда. Шу билан бирга, ўзини ўзи банд қилган 16 минг киши такси хизмати кўрсатиб келади. Кейинги йилларда вилоят бўйлаб 65 та автобус бекати қурилди, реконструкция қилинди.

— Йўловчи автобусларида йўл ҳақининг 75 фоизи электрон тўлов тизими ҳиссасига тўғри келади, — дейди Фарғона вилоти Транспорт бошқармаси шўъба бошлиғи Шамсур Маҳдумов. — Жорий йилда 146 та автобус ва 60 та микроавтобус сотиб олинди, 70 га яқин бекат қуриш ва таъмирлаш,

Данғара тумани автостанциясини реконструкция қилиш, электрон тўловлар тушумини 80 фоизга етказиш режаланди. Хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида ташаббускор тадбиркорлар томонидан 80 та янги автобус, 100 та микроавтобус харид қилинди.

Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида ҳам хизматлар соҳасини ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Хусусан, маҳаллаларда савдо ва сервис йўналишида 3500 та объект ишга туширилди. Фарғона ва Марғилон шаҳарлари, Сўх, Фарғона туманларини кесиб ўтувчи каналлар, кўл, халқаро автомагистрал йўл бўйларига инфратузилmani яхшилаш ва тадбиркорларга шариот яратиб бериш ҳисобига 330 дан ортиқ савдо-сервис шохобчаси қурилиши белгиланган.

Вилоятдаги тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатиш корхоналарини янада ривожлантириш, фаолиятини кенгайтириш мақсадида 8 триллион сўм кредит ажратилди. «Бир миллион дастури» лойиҳаси доирасида 5250 нафар еш компьютер технологиялари, АТ соҳада дастури-таъминотчилик ҳамда хорижий тилларга ўқитилди.

Сирасини айтганда, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари орқали аҳоли хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш борасида таътиқ этилаётган ҳаётбахш ислохотлар аҳоли фаровонлигини ошириш, оғирини енгил, узогини яқин қилиш имконини бермоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, «Янги Ўзбекистон» муҳбири



Бизнинг суҳбат

# ИНФЛЯЦИЯ КУТИЛМАЛАРИ

## Ўзбекистон 2027 йилда белгиланган 5 фоизли таргетга эриша оладими?

### 5 ФОИЗЛИ ТАРГЕТГА ЭРИША ОЛАДИМИ?

Хозир бозордаги нарх-навои давлат, шахс ёки корхоналар эмас, балки соғлом рақобат муҳитида шаклландиранган талаб ва таклиф белгилайди. Яъни бирор махсулотнинг қиммати ёки арзонлиги ўша вақтдаги қатор омиллар таъсирида автоматик шаклланади ва бу нормал ҳолат. Бунга молиявий тузилмалар аралашмайди, улар фақат нарх барқарорлигини таъминлаб туришга қаратилган воситаларни ишга туширади. Чунки бозордаги нарх-наво бевосита аҳоли даромади ҳамда харид қобилиятига мутаносиб бўлиши зарур. Акс ҳолда, жамиятда иқтисодий нотенглик ортиши хавфи юзага келади.



Бу иқтисодийдаги инфляция даражаси билан ҳам боғлиқ. Инфляция қанча юқори бўлса, ички ва ташқи бозордаги нархлар шунча кўтарилади. Шу боис, мамлакатимиз иқтисодиётида инфляция даражасини доимий пасайтириб бориш чоралари кўришмоқда. Утган тўққиз йилда амалга оширилган катта ислохотлар қаторида инфляция даражаси "бир хонали" сонга туширилгани ва аҳолининг харид қобилияти икки баробар ошгани ижобий натижа сифатида тилга олинмоқда.

2025 йилда мамлакатимизда инфляция кўрсаткичи кутилганидан ҳам кўра пасайди ва йил 7,5 фоизли натижа билан якунланди. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бу борадаги ишлар фаол давом эттирилиши ҳамда жорий йил якунида инфляция даражасини 6-6,5 фоизга тушириш мақсад қилингани таъкидланди. 2027 йилда эса инфляция учун белгиланган таргет — 5 фоизли кўрсаткичга эришиш экани айтилмоқда.

Хўш, бу мамлакатимиз ҳаёти ва иқтисодий фаровонлиққа қанчалик таъсир кўрсатади? Умуман, инфляция даражасини пасайтириш нима учун муҳим? Биз тез-тез эшитишга одатланганимиз, аммо моҳиятини ҳар доим ҳам тушунавермайдиган "инфляция" атамаси ўзи қандай маънога эга ва нима учун у салбий ҳисобланади? Марказий банкнинг Пул-кредит сиёсати департаменти директори Самиржон ИНОФОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Оддий қилиб айтганда, инфляция — товар ва хизматлар умумий нархнинг ўсишини аниқлаётган атам. Кўп одамлар бундан нархларнинг ошиши ва уларнинг ойликка мутаносиб эмасли-

ги сифатида тушунади. Яъни нарх-наво банд бўлиб, одамларнинг харид қобилияти унга мос бўлмағлиги бевосита инфляция даражаси юқорилиги билан боғлиқ. Шунинг учун инфляция салбий характерга эга ва у нархларнинг ошиб бориши билан изоҳланади. Бу ўз-ўзидан иқтисодиётдаги пул қийматининг пасайишига олиб келади. Миллий валютанинг харид қобилиятини камайтириб, кундалик ҳаётимизга сезиларли таъсир кўрсатади.

Инфляция, биринчи навбатда, аҳолининг кам даромадга эга қатламига сезиларли таъсир кўрсатади. Чунки бундай қатлам асосий даромадини истеъмолга йўналтиради ва жамғариш имконияти кам. Жамғариш ёки маблағини сармоя сифатида киритиш эса инфляциядан ҳимояланиш воситасидир. Лекин аҳолининг кам даромадга эга қатламида бундай имконият йўқ. Юқори инфляция жараёнида ушбу таъсир янада яққол юзга чиқа бошлайди. Масалан, кам даромадли аҳолининг харид қобилияти пасайиб боради ва бу мамлакатда иқтисодий нотенгликни кучайтиради.

Иккинчи жиҳат шуки, нархлар барқарор бўлмаган шартда оддий одамлар учун ҳам, бизнес учун ҳам келажақ бўйича иқтисодий қарорлар қабул қилиш қийинлашади. Натижада инвестиция оқими камаяди. Қолаверса, нархлар юқори бўлса, фоиз ставкалари ҳам ошиб боради. Бозорда эса нарх-навои оширмастик учун сифат ёки миқдордан воз кечиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Ишлаб чиқарувчилар рақобат муҳитида шу орқали нархни ушлаб туришга ҳаракат қилади. Лекин бундан истеъмолчилар зарар кўради.

Бъзи давлатларда эса нарх-наво барқарорлигини ушлаб туришда давлат аралашуви ортади. Бу ҳам ижобий натижа бермайди. Чунки нархлар талаб ва таклиф асосида бозор шартларида шаклланиши жуда муҳим. Акс ҳолда, бу истеъмолчилар харидида нотенглик, ишлаб чиқарувчиларда эса пасивликни келтириб чиқаради. Яъни инфляциянинг юқори бўлиши ҳар қандай ҳолатда ҳам иқтисодиёт учун салбий ҳу-



сиятга эга. Иқтисодий ўсишга эришиш учун нархлар барқарор, инфляция даражаси паст бўлиши керак.

Паст даражадаги инфляция инвестиция муҳитини қўллаб-қувватлаб туриш, одамларнинг истеъмол қилиш даражасини оширишни рағбатлантиришга ёрдам беради. Марказий банк

пул-кредит сиёсатининг асосий вазифаларидан бири инфляция даражасини доимий пасайтириб бориш орқали нарх-наво барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Бу борада 2026-2028 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлар ишлаб чиқилган. Мамлакатимиз иқтисодиётининг келгуси йиллардаги ривожланиш истиқболлари, кутилаётган хатарлар ва ушбу шартларда нархлар барқарорлигини таъминлаш чоралари белгиланган.

— Давлатимиз раҳбарининг 2019 йилдаги тегишли фармонида юртимизда инфляция бўйича доимий мақсад (таргет) 5 фоиз бўли-

ши, бунга 2023 йилда эришилиши белгиланган. Бироқ айрим сабабларга кўра инфляция бўйича қўйилган таргетга эришиш мuddати бир неча мартаба ортга сурилди. Охириги маълумотларга кўра, белгиланган кўрсаткичга 2027 йилда эришилиши айтилмоқда. Бу қандай омиллар билан боғлиқ? — Мамлакатимизда инфляция таргетлаш режимига 2019 йил ноябрда ўтилган. Тегишли

йилда инфляция даражаси "икки хонали" сонга дерили чикмаган, 2 фоиз атрофида барқарор сақланган.

Қолаверса, пандемиядан кейин давлатлар иқтисодиёти тикланиши осон кечмади. Дунё бўйича етакчи бериш занжирлари қайта тикланиши учун ҳам вақт керак бўлди. Шунга қарамай, юртимизда қатъий пул-кредит сиёсати давом эттирилди ва 2021 йил якунида инфляция даражаси 9,9 фоизга етиб, "бир хонали" сонга туширилди. Аммо юқоридаги омиллар, қолаверса, халқаро бозорда ёниги нархлари кескин ошиши сабаб инфляциянинг яна ошиши кузатилди ва 2022 йил охирида 12,3 фоизга чиқди. Шундан сўнг белгиланган таргетга эришиш чоралари янада қатъийлаштирилди. Натижада 2023 йил охирида 4 фоиздан кўпроқ пастлашга эришилиб, инфляция даражаси 8,8 фоизга туширилди. 2025 йил эса 7,5 фоизли натижа билан якунланди.

Тўғри, 5 фоизли таргетга белгиланган вақтда етилмади. Аммо биз мақсадга аста-секин яқинлашамиз. Турли товарлар бозорини эркинлаштириш, айрим товарлар бўйича рақобатни кучайтириш, ишлаб чиқариш ва импорт концентрациясини камайтириш бўйича аниқ ишлар қилинапти. Натижада ўтган йили юртимизда кўп йўналиш бўйича инфляция кўрсаткичи пасайгани яққол сезилди. Асосийси, бундан одамлар ҳам ўз турмушида ҳис қилмоқда. Аваллари бозордаги нарх-навога фақат ўсувчи рақам сифатида қаралган бўлса, бугун одамлар турли иқтисодий таъсирлар орқали нархларнинг прогноз қилиб, пасайишини бемалол тахмин қила оляпти. Айрим маҳсулотлар нархи кескин пасайиши, бозорда талабга яраша таклиф ортагани, ўтган йили юртимизда валюта курси сўмга нисбатан арзонлашиб, бу узоқ вақт давом этта-

ни ҳам бу борадаги катта ислохотлар самараси. Яна бир жиҳатни тушуниш керак: 5 фоизли таргет — белгиланган мақсад. Аммо инфляция 5 фоизга туширилди дегани уни доим шундай сақлаб қолиш мумкинлигини аниқламайди. Чунки инфляция доимий ўзгариб турадиган кўрсаткич. Одатда у билан боғлиқ прогнозлар нафақат ички, балки ташқи омиллarga ҳам асосланади. Биргина мисол: 2024 йил юртимизда инфляция даражаси 9,8 фоиз билан якунланган бўлса, 2025 йил бошидаёқ кўшни давлатлардан импорт қилинадиган қорамол ва гўшт экспортига чекловлар сабаб гўшт маҳсулотлари нархида кескин ошши кузатилди. Натижада ўтган йил февралда умумий инфляция 10,1 фоизгача кўтарилиди.

Бу — табиий иқтисодий жараён. Мамлакатимиз иқтисодиёти йилдан йилга глобал иқтисодиётга мослашиб бораётган шартда инфляция даражасига ҳам бевосита ташқи омиллар таъсири сезиларли даражада ортиб боради. Уларни доим барқарор ушлаб туриш қийин. Аммо Марказий банк бу борада ўз сиёсатини юритиш ва тегишли инструментлар орқали белгиланган таргетга етиш ҳамда уни мустаҳкамлаш чораларини кўриб боради.

— 2027 йилда белгиланган 5 фоизли таргетга эришмаслик эҳтимоли ҳам мавжудми? Кутилмаган сценарийларга қандай тайёргарлик кўрилади?

— Албатта, инфляция даражасига эришиш мuddатларини белгилашда келгусидаги кутилмаган чучур таҳлил қилинади. 5 фоизли кўрсаткичга эришиш бўйича кутилмаларда ҳам юзага келиши мумкин бўлган ички ва ташқи хатарлар ўрганилиб, таҳлиллар асосида сценарийлар ишлаб чиқилди. Уларга қарши чоралар ҳам белгиланган. Масалан, ташқи омиллarga келсак, глобал иқтисодиётдаги ноаниқликлар сақланиб қолиши, савдо ҳамкорларимиз валютасида кескин ўзгаришлар бўлмаслиги, ички шартларда кредитлар мўътадиллашиб бориши, фиксал тақчиллик 3 фоиздан ошмаслиги, пул ўтказмалари 10 фоиз атрофида ўсиши каби ўнга яқин хатар ҳисобга олинган. Шулар асосида инфляция даражаси жорий йил охирида 6-6,5 фоиз атрофида шаклланиши, 2027 йилда эса 5 фоизли таргетга етиши кутилмоқда.

Ҳар бир хатарнинг инфляция ва иқтисодий барқарорликка алоҳида таъсирларини баҳолаганимиз ва уларга қандай жавоб чоралари кўрилиши ҳам ҳисобга олинган. Масалан, олтин нархи 2500 долларгача пасайса ёки 5500 долларгача ошиб кетса нима қилиш мумкинлиги бўйича ҳам таҳлиллар ўтказилган. Бунда ўсиш прогнози эҳтимоли юқори. Яъни олтин нархи жаҳон бозоридеда ошиб борапти. Биржа савдоси маълумотларига кўра, шу йил 25 январь кунини кеңчурун олтин нархи бир троя унция учун 5017 долларлик янги рекорд даражага етди. Агар олтин нархи шу тариқа ошишда давом этса, бу ижобий шок ҳолати ҳисобланади. Бунинг ҳисобига 5 фоизли таргетга 2027 йил охирида эмас, ўрталарида етиш ҳам мумкин. Чунки биргина шу омил иқтисодий ўсишининг тезлашишига ҳисса қўшади.

Қолаверса, мамлакатимиз дунё бўйича олтин ишлаб чиқарувчи энг йирик давлатлардан бири бўлиб, экспорт ҳисобига тушумлар ҳам, талаб ҳам ошиб бормоқда. Натижада юртимизда ўтган йилдан миллий валюта курси мустаҳкамланиб, қадри ошиб бораётгани ҳам бевосита инфляция даражасини пасайтиришга таъсир

кўрсатади. Бироқ бу одамлар ўйлаганидек алмашув курсини Марказий банк белгилайди дегани эмас. Шу масалада ҳам кўп саволлар берилади.

Бир жиҳатни аниқ тушуниш керак: Марказий банк алмашув курси бўйича мақсадли кўрсаткич белгиламайди ва курс шаклланишига аралашмайди. Юртимизда 2017 йилдан бошлаб валюта курси эркинлаштирилган ва уни бозор тамойиллари белгилайди. Курс ички валюта бозоридеда шу жойнинг талаб ва таклифи асосида шаклланади. Ўтган йилги таҳлилларга кўра, қулай макроиқтисодий шартлар таъсирида хорижий валюта бозоридеда талабдан кўра таклиф юқори бўлди. Бу олтин нархнинг кескин ошиб бораётгани билан ҳам боғлиқ.

— Инфляция ҳақида гап бора, Марказий банк белгилайдиган асосий ставка масаласи ҳам ўртага чиқади. 2027 йилда белгиланган 5 фоизли таргетга етилса, Марказий банк асосий ставкани қанчалик пасайтириши мумкин? Бу бевосита кредитлар фонзи билан ҳам боғлиқ бўлгани ҳолда одамлар учун қизиқ.

— Инфляция тушиши деганда одамлар, аввало, асосий ставка ва унга боғлиқ ҳолда кредитлар фонзининг тушишини кутади. Аслида ҳам улар ўзaro боғлиқ. Бу борадаги кутилмаларни айтишдан олдин асосий ставканинг ўзига тўхталаск. Чунки кўпчилик унинг моҳиятини тушунамайди.

Гап шундаки, мамлакатимиз молия тизимида Марказий банк асосий ставкаси деган тушулча бор. Марказий банк уни ва пул бозорига қисқа мuddатли пулнинг нархини белгилайди. Оддий қилиб айтганда, асосий ставка — сўмнинг нархи. Агар инфляция юқори бўлса, сўм кўп ва қадри паст бўлади дегани. Масалан, юқори инфляция хавфи туғилса, Марказий банк асосий ставкани оширади ёки аксинча, инфляция таргетдан пасайса, асосий ставкани туширади. Бозор ставкасини Марказий банк белгиланган даражага яқинлаштириш учун ўз операцияларини асосий ставкага боғлайди. Масалан, тижорат банклари ажратадиган имг'вэли кредитларнинг фоиз ставкаси бевосита асосий ставкага боғлиқ. Яъни ставка тушиши ёки кўтарилиши имг'вэли кредитлар фонзининг пасайиши ёки ошishiга таъсир қилади. Шунингдек, тижорий кредитлар фонзи ҳам Марказий банкнинг фоиз ставкаси билан келиб чиқиб белгиланади.

Асосий ставка даражаси муайян вақтда қатор омиллар ҳисобига ўзгариб туради ҳамда Марказий банк йил давомида 8 марта асосий ставкани кўриб чиқади. Жараёнда барча омил ҳисобга олинади ва чўқур таҳлил қилинади. Хусусан, асосий ставка 2017 йил июнь охирида — валюта либераллашувига тайёргарлик доирасида 9 фоиздан 14 фоизгача кўтарилиб ва 2024 йил июлигача 14-17 фоиз оралиғида шаклланди. 2024 йил июлида ушбу ставка 0,5 фоиз пасайтирилиб, йиллик 13,5 фоиз даражасида белгиланди. Кейинроқ яна 14 фоизга кўтарилди. 2025 йилда асосий ставка 14 фоиз даражасида ўзгаришига сақлаб қолинди. Тўғри, 2025 йилда инфляция даражаси 7,5 фоизгача пасайди. Лекин Марказий банк асосий ставкани пасайтиришга шонилмаяпти. Чунки жорий инфляция даражаси ҳали белгиланган 5 фоизли таргетга етиб келгани йўқ. Бундан ташқари, миллий иқтисодиётда инфляциянинг оширувчи хатарлар ҳали ҳам сақланиб турибди.

Бугун аҳоли ва бизнес учун банклар ажратётган кредитлар фонзи ҳақиқатан юқори — 20 фоиз. Бунинг асосий сабаби, ресурс нархи, яъни ушбу кредитларнинг манба бўлган депозитларнинг қимматлиги. Инфляциянинг таргетга эришилган, Марказий банк фоиз ставкаларини нейтрал даражага олиб келиши мумкин. Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти учун нейтрал реал фоиз ставкаси бугун 4-5 фоиз атрофида баҳолаган. Бунда 5 фоизли таргетга нейтрал 4-5 фоизни қўшсак, 9-10 фоиз номинал ставка ҳосил бўлади. Бу асосий ставкани 9-10 фоизгача тушириш имкони пайдо бўлади дегани.

Аммо инфляция кутилмаганининг пасайиши муайян мuddат талаб этади. Яъни бошқа фойзаларнинг бирдан тушиши кузатилмайдиган, улар инфляция билан бирга аста-секин пасаяди. Ўтган йили аҳоли бунинг амалг'вэти сеза бошлади. Нарх-наво барқарорлиги реал шартда кузатилаётгани ҳисобига аҳоли кутилмалари ҳам пасайиб бораётгани ижобий ҳол.

— Янги Ўзбекистон" мухбири Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.

## Нуқтаи назар

Хозирги кунда юз бераётган муҳим ўзгаришлар давлатлардан ривожланишга янги ҳаёт ёндашуви талаб қилмоқда. Жаҳон бозорларида рақобат кескинлашуви, технологик тараққиёт жадаллашуви, табиий ресурслар чеклангани ҳамда инсон капиталига талаб ортиши анъанавий иқтисодий ўсиш моделлари самарадорлигига таъсир қилмоқда. Бундай шартларда барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш давлат сиёсати ва бозор механизмлари ўртасидаги оқилона мувозанатга боғлиқ экани тобора яққол намоён бўлмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида мамлакат иқтисодиётини технологик ва инновацион ривожланиш моделига ўтказиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб берилди. Ушбу ҳужжат стратегик аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштиришга қаратилган ёндашуви акс эттиради. Бугунги кунда жаҳон таърибаси кўрсатмоқдаки, фақат хомашё экспортга таянган

иқтисодий модель узоқ мuddатли барқарорлиқни таъминлай олмайдиган. Аксинча, юқори қўшилган қиймат яратадиган, инновацион ва технологияларга асосланган иқтисодиётлар рақобатда устуникка эга бўлмоқда. Шу боис, Ўзбекистонда энергия тежамкор, юқори технологияли саноят тармоқларини ва хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати иқтисодий ўсиш билан бир қаторда ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳам кўзда тутаяди.

Янги Ўзбекистонда инвестиция алоҳида ва муҳим ўрин тутаяди. Давлат инвестицияларини нафақат молиявий ресурс, балки замонавий технологиялар, билим ва бошқарув таърибасини жалб этиш воситаси сифатида баҳоламоқда. Шу сабабли хорижий инвестиция жалб қилишда уларнинг миллий иқтисодиёт рақобатбардорлигини оширишга, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга ва маҳаллий кадрлар тайёрлашга қўшадиغان ҳиссасига асосий мезон сифатида қаралмоқда.

Бу жараёнда давлат бозор муносабатларининг тўғридан тўғри иштирокисси эмас, балки ҳуқуқий, институционал ва инфратузилмавий шартлар яратуви субъект сифатида намоён бўлади. Ер муносабатларини бозор тамойиллари асосида тартибга солиш, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш, электрон давлат хизматларини жорий этиш каби чоралар давлат бошқаруvinинг бозор иқтисодиётига мослашган шаклини ифодалайди.

## Қўшилган қийматга таянувчи

### ИҚТИСОДИЙ МОДЕЛЬ



Эркин иқтисодий зоналарни халқаро стандартлар асосида ривожлантириш орқали мамлакатни глобал ишлаб чиқариш занжирларига интеграция қилиш мақсади кўзланмоқда. Бунда давлатнинг асосий вазифаси инвесторлар учун ҳуқуқий барқарорлик ва кафолатларни таъминлаш, қонунчиликнинг шаффоф ва прогноз қилиш мумкин бўлиши таъминлашдан иборат.

Иқтисодий бошқарув тизимини қайта қўриб чиқиш, соҳавий бошқарув органлари фаолиятини замонавий талабларга мослаштириш эса давлатнинг ўзини ислох қилишга тайёргарлигини кўрсатади. Бу ҳолат бозор иқтисодиётининг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Саноатни рақамлаштириш, илмий, ҳуқуқий ва иқтисодий ечимларни жорий этиш,

робототехника ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш ишлаб чиқариш жараёنларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади. Бу борада давлат халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш, технология ва билимлар трансферини рағбатлантириш орқали катализатор вазифасини бажаради, бозордаги самарадорлик эса эркин рақобат орқали шаклланади.

Баҳромжон ТОПИЛДИЕВ, юридик фанлар доктори, профессор

yuz\_official

yuz.uz\_news

yuz.uz\_news

## Мулоҳаза

Тараққиёт жараёни жамият ҳаётига тобора чуқур кириб борар экан, инсон омилли, тафаккур сифати, маънавий мезонлар масаласининг долзарблиги ҳар қачонгидан ошаверади. Технологиялар суръати кучайган, ахборот оқими кенгайган, ижтимоий макон мураккаблашган бир шароитда жамиятнинг барқарор ривожини иқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда инсоннинг ички дунёси, фикрлаш маданияти, масъулият ҳисси билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги ислохотлар марказида айнан инсон, унинг тафаккури, маънавий таянчи ва интеллектуал салоҳияти тургани ҳам бунинг тасдиғидир.

# ЁПИҚ АКАДЕМИК МАКОНДАН

## ОЧИҚ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАЙДОНГА АЙЛАНАЁТГАН ТИЗИМ

**Гулноза Жўраева,**  
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети биринчи проректори, филология фанлари доктори, профессор

Замонавий дунёда билим олиш жараёни оддий ахборот йиғиш билан чекланиб қолмай, шахснинг дунёни англаш усули, ҳаётга муносабати, ижтимоий позициясини шакллантирувчи омил экани аён. Шу туфайли таълим муассасаларига фақат касбий кўникмалар берадиган макон эмас, балки фикрловчи, таҳлил қилувчи, масъулиятли авлодни тарбиялайдиган муҳим ижтимоий институт сифатида қаралмоқда. Таълим-тарбия масаласи давлат сиёсати, жамоатчилик фикри, илмий доиралар диққат марказида турибди.

Мазкур мавзу юзасидан сўз юритганда, аввало, кейинги йилларда мамлакатимиз таълим тизимидаги тубдан ангиланиш жараёнларига тўхталиб ўтиш керак. Олий таълим муассасаларининг кўпайиши, қамрови ошиши, янги таълим дастурлари жорий этилиши, халқроқ стандартларга мослашув сиёсати бу йўналишдаги ислохотларнинг реал



қилади. Рақамли технологиялар, ижтимоий тармоқлар, глобал ахборот майдони, тезкор мулоқот воситалари ёшларнинг дунёқараши, қадриятлар тизими, фикрлаш услубига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Ахборот олиш имкониятининг кенгайиши билимга йўл очди. Шу билан бирга, онли таллаш, алоқасиз нарсалар, уни таҳлил этиш масъулиятини кескин оширди.

Канадалик файласуф ва коммуникация на-зарийчиси Герберт Маршалл “Восита хабарининг ўзидан муҳимроқ” деган машҳур ғояни илгари сурган эди. Унинг фикрича, ахборотни

контент, зарарли ғоялар майдони ҳамдир. Бундай шароитда медиасаводхонлик, ахборот хавфсизлиги, танқидий тафаккур асосий ҳаётий компетенциялардан бирига айланган.

Шунингдек, таълим муҳитида маънавий масаласи муҳим аҳамиятга эга. Узро ҳурмат, соғлом танқид, очиқ мулоқот, фикрлар хилма-хиллигига бағрикенг муносабат ҳукмрон бўлган муҳитда шахс эркин ривожланади. Аксинча, расмийлик, бефарқлик, формаллик устун бўлган жойда ижодий тафаккур сўнади, ташаббус сусаяди. Шу боис, таълим муассасаларида ижтимоий-психологик муҳитни соғломлаштириш тарбиявий ишларнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолмоқда.

Талабалар билан ишлашда индивидуал ёндашувнинг ўрни беқасб. Ҳар бир ёшнинг қизиқиши, салоҳияти, ҳаётий тажрибаси турлича. Ушбу фарқларни инобатга олган ҳолда ташкил этилган таълим-тарбия жараёни шахс ривожини таъминлайди. Менторлик, масалаҳат тизими, илмий ва ижодий тўғрақлар ана шу эҳтиёждан келиб чиқади. Бундай механизмлар ёшларнинг ўз имкониятини англаши, мақсадларини аниқ белгилашига ёрдам беради. Тарбиявий механизмларнинг самардорлиги эса кўп жиҳатдан таълим муассасасининг ички тартиби билан боғлиқ. Раҳбарлик услуби, бошқарувдаги очкилик, жамоа билан мулоқот, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш сиёсати тўғри йўлга қўйилиши, таълим муассасаси нафақат билим маскани, балки ижтимоий етуклик мактабига айланади.

Меҳнат бозорига йилга 300 минг олий маълумотли кадр кириб келмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш, ташаббусларини рағбатлантириш, илм-фан, инновация ва тадбиркорликка жалб этиш орқали миллий тараққиётнинг мустақам пойдеворини яратиш зарур. Давлатимиз раҳбарининг ёшларнинг рақамли саводхонлигини ошириш, хорижий тилларни пухта эгаллаши, замонавий технологияларни ўзлаштириши, илмий тадқиқот фаолиятида иштирок этиши масалаларига алоҳида ургу бериши замирида ҳам чуқур маъно-мазмун мужассам. Зеро, ушбу талабалар таълим тизимида очкилик, инновацион ёндашув, академик эркинлик ва танқидий тафаккурни ривожлантириш муҳитини шакллантиради.

Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиши, уларни зарарли ахборот оқимларидан ҳимоя қилиш, маънавий имунитетини мустақамлаш ҳам муҳим. Бу вазифалар таълим муассасалари фаолиятида тарбиявий ишлар, маданий-маърифий лойиҳалар, интеллектуал клублар ва мунозара майдонларини кенгайтириши талаб қилади. Айнан ана шундай очиқ мулоқот муҳити ёшларнинг мустақил қилишларини, ўз позициясини асослаб бера олиш кўникмасини оширади.

Билим тафаккур билан бойинганда, тафаккур маънавият билан мустақамланганда, маънавият эса ижтимоий масъулият билан қўллаб-қувватланганда жамият барқарор ривожланиш йўлига қиради. Бугунги ёшлар олдида очилган имкониятлар кенг, талабалар эса юқори. Улар нафақат замонавий касбларни эгаллаши, балки жамият тақдирини дахлдорлик ҳиссини ҳам ўзида шакллантириши зарур. Шу жараёнда таълим муассасалари зиммасига етакчи ижтимоий институт сифатида алоҳида масъулият юкланади. Бу масъулият билим бериш билан бирга онли тарбиялаш, қадриятларни асраш, фуқаролик позициясини ривожлантириши қамраб олади.

**“** **БИЛИМ ТАФАККУР БИЛАН БОЙИНГАНДА, ТАФАККУР МАЪНАВИЯТ БИЛАН МУСТАҚАМЛАНГАНДА, МАЪНАВИЯТ ЭСА ИЖТимоий МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГАНДА ЖАМИЯТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙўЛИГА ҚИРАДИ.**



натijaларини кўрсатмоқда. Хусусан, охириги йилларда олий таълимга қамров бир неча баробар ошди. Янги университетлар, нуфузли хорижий олийгоҳлар филиаллари, нодавлат таълим муассасалари фаолияти кенгайди. Таълим сиёсатида компетенцияга асосланган ёндашув, амалий билимларни кучайтириш, талабанинг шахсий ривожига йўналтирилган модель устувор аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига ўқув дастурларининг қайта қўриб чиқилиши, кредит-модуль тизимининг жорий этилиши, халқроқ рейтингларга мослашиш сиёсати таълимни ёпиқ академик макондан очиқ интеллектуал майдонга айлантиришга хизмат қилапти.

Глобаллашув шароитида миллий онг, маданий хотира, тил ва тафаккур масалалари янги синовлар билан юзлашмоқда. Бу жараёнда гуманитар фанлар, хусусан, тил ва адабиёт тафаккур маданиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди. Машҳур немис мутафаккири Вильгельм Гумбольт тилини “халқ руҳи ва тафаккурининг тирик ифодаси” сифатида баҳолагани бежиз эмас. Унинг фикрича, тил мулоқот воситаси вазифасини бажариш билан бирга инсоннинг борлиқини қандай кўриши ва тушунишини ҳам белгилаб беради. Тил ва адабиёт фанлари миллий ўзлигини англашда ҳам муҳим ўринга эга. Она тилини чуқур билган, адабий меросни англаган ёш авлод халқининг тарихий тажрибаси, маданий қадриятларига ҳурмат билан қарайди.

Бугунги ёшлар онгининг шаклланиши аввалги авлодлар тажрибасидан тубдан фарқ



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҚАМ ҚЎЙИШ УЧУН QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



## Салоҳият соҳиблари

# ЖАҲОНИЙ ИЛМ БИЛАН ХАВФСИЗ ҲАЁТ САРИ

Оғир касалликларни даволаш, иммун тизимини мустақамлаш ҳамда хавфсиз ва самарали дори-дармон яратиш бугуннинг долзарб масалалари. Уларнинг ечими замонавий биотехнология, фармацевтика ва биотибиёт фанлари ривожига боғлиқ. Айниқса, янги авлод дориларини яратиш бугун глобал миқёсда устувор илмий йўналиш сифатида эътироф этилмоқда.

## Миллий фармацевтика саноати ривожини йўлида

Ҳаётбек Абдуллаев уч йил аввал Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлаб чиқариш биологик назорат бўлимида фаолият бошлаган. Серпентарий (заҳарли илонларни сақлаш ва улардан биологик фаол моддалар (заҳар) ажратиш олиш билан шугулланувчи бўлим) мудири сифатида ишлаганида, заҳарли илонлардан ажратиб олинган биологик фаол моддаларнинг биокимёвий, токсикологик таҳлиллари ва заҳарнинг биологик фаолигини ўрганган. 2024-2025 йилларда институтнинг биотехнология лабораториясида илмий ходим вазифасида хизмат қилди. Айни пайтда бактериология лабораторияси катта илмий ходими бўлган Ҳаётбек фармацевтик биотехнология ва биомуҳандислик ҳамда бактериология йўналишларини уйғунлаштирган ҳолда илмий тадқиқот олиб бормоқда.

У маҳаллий илонлар заҳаридан саратонга қарши биологик фаол компонентларни ажратиб олиш ва улар асосида таргетланган дори-дармон яратиш асосий илмий тадқиқот йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади. Зеро, илон заҳри мураккаб биологик аралашма бўлиб, таркибиде қўллаб биологик фаол молекулалар мавжуд. Уларнинг баъзилари ўса хужайраларига селектив таъсир кўрсатиш, хужайра ўлимини фаоллаштириш хусусиятига эгалиги билан қимматли. Ҳаётбек, аввало, заҳар намуналарини йиғиш ҳақида тушунча берди.

Жараён биотик талабалар, биологик хавфсизлик меъёрлари ҳамда экологик барқарорлик тамойиллари асосида кечади.

Олинган намуналар стандартлаштирилган шароитда сақланади. Дастлабки босқичда заҳар таркибидеги умумий ферментатив фаоллик, протеолитик хусусиятлар каби кўрсаткичлар комплекс баҳоланади. Биологик фаол компонентларнинг молекуляр даражадаги хусусиятларини ўрганиш, фармацевтик шаклланиши яратиш ҳамда хавфсизлик профилини шакллантириш орқали биологик дориларнинг янги авлоднинг ишлаб чиқиш учун илмий асос яратилмоқда. Қаҳрамонимизнинг тадқиқотлари нафақат онкологик касалликларни даволашда янги ёндашувларга эришиш, балки табиий биологик ресурслардан самарали фойдаланиш, миллий биотехнология салоҳиятини ошириш ҳамда инновацион фармацевтика йўналишларини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Бундай илмий изланишлар келажақда хавфсиз ва самарали биологик дори яратишга замин бўлиши мумкин.

Ёш олимнинг илмий фаолиятида дори-дармон хавфсизлиги алоҳида ўрин тутаяди. Бу борада у Хитойда стажировка ўтаб, амалий билимларни ўзлаштирган. Орттирилган тажриба кейинчалик илмий ишланмаларда хавфсизлик профилини шакллантириш, биологик препаратларни баҳолаш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатларини тайёрлашда муҳим аҳамият касб этган.

Юқорида айтганимиздек, ҳозирги кунда ёш олим бактериология лабораториясида патоген микроорганизмларни идентификациялаш, антибиотикка чидамлик механизmlарини ўрганиш, диагностика тест тизимларини



ишлаб чиқиш устида ишлаяпти. Биотехнология, фармацевтика, микробиология ва биомуҳандислик соҳаларини интеграция қилган илмий тадқиқотлари биологик дори-дармонларнинг янги авлодини яратиш, онкологик касалликларни даволаш, иммун тизимини мустақамлаш ҳамда биологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган.


Илмий фаолият билан бир қаторда у илмий инновацияларни амалиётга жорий қилиш, янги фармацевтик технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда миллий фармацевтика саноатини ривожлантиришга ҳамда қўшиқчи мақсад қилган. Онкологияда янги таргетланган биологик препаратлар яратиш, биологик фаол табиий компонентлар банкни шакллантириш, иммуномодулятор воситалар яратиш шулар жумласидан.

## Илмий ишланмалардан реал маҳсулотларга

— Европадаги учта нуфузли олий таълим муассасасида таҳсил олиб, замонавий биотехнология, молекуляр ва синтетик биология йўналишлари бўйича чуқур билим ҳамда амалий тажриба орттирдим, — дейди яна бир ёш олим Улғубек Мавлонов.

Ўзбекистон Миллий университетининг биология факультетини имптеъли диплом билан тамомлаган қаҳрамонимизни “Ergasmus Mundus” дастури жаҳоний илмлар сари етаклади. Франция, Эстония, Германия каби давлатларда илмий салоҳияти ўсди. Чет элларда олган билим ва кўникмаларини амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, Ўзбекистонда илм-фан ривожига ҳамда қўшиқчи мақсадида ўтган йили ватанга қайтди. Улғубек ҳам Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги тавсияси асосида Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтига тадқиқотчи сифатида фаолият юритяпти. Бугунги кунда биотехнология мамлакатнинг соғлиқни сақлаш хавфсизлиги ҳамда иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаниши таъкидлар экан, у соҳада ечимини кутаётган муаммоларни ҳам айтиб ўтди. Хусусан, замонавий биологик дори импортига қарамлик, уларнинг юқори нархи ёш изланувчилни кўп уйлантиради. У айрим илгор технологияларнинг маҳаллийлаштирилмагани, шунингдек, илмий ишланмалар билан саноат ўртасидаги узилишни биотехнология ривожини секинлаштираётган асосий омиллардан деб билади. Зеро, айни омилар сабаб қўйлаб истиқболли илмий ғоялар амалий маҳсулот даражасига ета олмаётган.

— Илмий фаолиятим айнан ушбу муаммоларга ечим топишга қаратилган, буни икки асосий йўналишда олиб бораётман, — дейди Улғубек. — “Биринчи йўналиш — маҳаллий хомашё ва биоресурслар асосида биоактив моддаларни аниқлаш ва чуқур ўрганиш. — Ўзбекистон бой ва хилма-хил биологик ресурсларга эга бўлиб, у ҳали тўлиқ ўрганилмаган катта илмий ва амалий салоҳиятини ўзида мужассам этади. Шу боис, маҳаллий ўсим-



ликлар, микроорганизмлар ва бошқа табиий манбалардан биологик фаол бирикмаларни аниқлаш, уларнинг фармацевтик ва табиий қўлланилиши имкониятларини тадқиқ этиш устида изланишлар қиляётман. Бу ёндашув импорт ўрнини босувчи, иқтисодий жиҳатдан мақбул ва маҳаллий шароитга мос биотехнологик маҳсулотлар яратиш учун мустақам илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи йўналиш замонавий вакцина технологиялари, жумладан, нуклеин кислоталар асосидаги вакциналарни ишлаб чиқиш ва тақомиллаштириш билан боғлиқ. Бугунги кунда бундай вакциналар юқумли касалликларга қарши курашда энг илгор ва истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу йўналишда ҳамкасбларим билан

биргалиқда вакциналарнинг самардорлиги, хавфсизлиги ва қисқа муддатда ишлаб чиқилишини таъминловчи янги технология ёндашувлар устида ишлаяётман.

Ёшлар бежиз замонавий технологиялардан интилмайдилар. Бу орқали улар ўзи танлаган соҳа ютуқларини кўра олади. Айни пайтда Улғубек иштирок этаётган сил касаллигига қарши замонавий вакциналарни ишлаб чиқиш технологиясини ҳам тезкор, хавфсиз ва келажақда турли касалликларга қарши самарали бўлиши мумкин. Унинг маҳаллий ишлаб чиқариши йўлида бошлаган эзгу иши мамлакатимизнинг фармацевтика соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш ва импортга қарамликни қамайтиришга катта хисса қўшади.

Тадқиқотлар юзасидан халқроқ ҳамкорликлар ҳам иборатга арзийди. Хусусан, Жанубий Корея, Франция, Италия ва бошқа ривожланган давлатлардаги етакчи илмий марказлар ҳамда замонавий лабораториялар билан алоқалар босқичма-босқич шакллантиряпти. Бу эса илгор таҳлил усуллари, юқори технологияли платформалар ва халқроқ илмий тажрибадан самарали фойдаланиш ва илмий ишларни халқроқ даражада олиб чиқишга ёрдам беради.

Ёш инноваторнинг асосий мақсади — биотехнология соҳасида Ўзбекистонда замонавий, рақобатбардор ва амалий натижага йўналтирилган илмий мактаб шаклланишига хисса қўиши. Яъни илмий ишланмаларни реал маҳсулот даражасига олиб чиқиш ҳамда мамлакатимизнинг илмий-технологик салоҳиятини мустақамлаш.


Ҳар икки ёш олим билим сукхатимиз одатдагиларидан қийин кечди. Зеро, улар танлаган йўлни ўзи-да машаққатли. Қутилаётган натижа айтишга арзийди, борилмақ маъназилар ёвў. Шунинг ўзи илм-фан борасида дунёвий миқёсда фахрланмаган ёшларимиз борлигига яна бир ишора.

Муножат МҰМИНОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Адабий дўстлик – абадий дўстлик

НОН ВА ТУЗ КАБИ УЛУҒ

2026 йил 18 февраль, 33-сон



Қиш фаслининг сўнги оyi — февраль кейинги йилларда юртимизда адабиёт ойлари сифатида нишонлаб келинмоқда. Дунёда байрамлар, турли анжуманлар кўп. Шулар орасида Алишер Навоий ва Заҳридин Мухаммад Бобурнинг таваллуд санаси билан боғлиқ тантаналар нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда кенг миқёсда нишонланади.

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномасида Соҳибқирон Амир Темура, Алишер Навоий каби буюк боболаримизнинг қутлуг таваллуд айёмини юксак даражада, ҳар томонлама муносиб ўтказишда маҳаллалар, таълим-тарбия масканлари, меҳнат жамоалари, зиёлилар, мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари, умуман, бутун халқимиз фаол иштирок этиши зарурлигини таъкидлаган эди. Бу борада "Ватандошлар" жамоат фонди ҳам ибратли ишларни қилмоқда.

Президентимизнинг адабиёт ва санъатни, маданият ва китобхонликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Алишер Навоий, Заҳридин Мухаммад Бобур меросини ёш авлодга бекуму кўст етказиш борасидаги сўнги ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этипти, — дейди "Ватандошлар" жамоат фонди бошқаруви раиси ўринбосари Балиддин Санаяв. — Алишер Навоийнинг 585 йиллиги, Мирзо Бобурнинг 543 йиллигини кенг

Асрлар ўтди ва яна ўтади. Дунё ғазал мулкнинг султони Ҳазрат Алишер Навоий ижодини ўрганади, ўрганаверади, шоҳ ва шоир Заҳридин Мухаммад Бобур меросига қизиқади, унга интилади, интилаверади.

Чунки Алишер Навоий туркий адабиётни юлдузлар ёнига олиб чиқди, туркий тили адабиётнинг мукаммал андозасини яратди, Ҳазратдан кейин туркий тилда адабиёт иншо қилиш расм бўлди, бошқа турк тили шоирлар ҳам ўз она тилида дадил ёза бошладилар. Мирзо Бобурнинг нафис ва мардона рубоий ҳамда ғазаллари, "Бобурнома", яна бошқа асарлари беқиёс жозибаси, бадиий ва ижодий қиммати билан жаҳон аҳлини мафтун этиб келади.



Қозоғистон Республикасидаги элчихонаси вакили Баҳром Бердиев. — Қозоқ мумтоз адабиётининг ёрқин вакили Абай Қўнонбоев Алишер Навоийни устоз деб билган. Гафур Ғулум, Миртемир, Мухтор Аvezов, Собит Муқонов даврида қарор тошган адабий алоқалар бутун ҳам шуқуқ билан давом этмоқда.

2021 йили Қозоғистон давлат мукофоти совриндори, таниқли қозоқ шоири Насиббек Айтули Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" ҳамда "Сади Искандарий"

Қўнонбоев адабий меросининг умумбаشارий аҳамияти тўғрисида гапирди. Нафақат туркий халқларнинг, балки бутун инсониятнинг маънавий даҳолари бўлган шоирлар асарларининг илмий-амалий таълиқи, маънавий-маърифий аҳамияти, адабий тафаккур таракқиётдаги ўрни ҳақида атрофлича мулоҳаза юритди.

Ушбу адабий кеча ёш авлод қалбида китобхонлик маданиятини шакллантириш, уларни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш йўлида муҳим аҳамият касб этди. Мактаб кутубхонасига Тошкентдан олиб келинган янги бадиий китоблар, мукааб асбоблари ҳамда ўзбек миллий либослари соғва қилинди. Шунингдек, Алишер Навоий, Заҳридин Мухаммад Бобур ижоди ҳамда ўзбек тили билимдонлари фахрий ёрлик ва ташаккурномалар билан тақдирландилар. Мактаб директори Меруэт Амированинг таъкидлашича, мактабда ўзбек ва қозоқ тилларида таълим берилади. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича мунтазам танловлар ўтказилади. Ғолиблар олий ўқув юртиларига имтиёз ва грантлар асосида ўқишга қабул қилинади.

Чимкент шаҳрида жойлашган Алишер Навоий номидаги 11-мактабда ўтган маънавий-маърифий тадбир шоир бостиға гул қўйиш билан бошланди. Шу ерда улугъ маърифатпарвар ҳақид бобимиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Дунё иморатларининг энг улуги мактабдир" деган ҳикмати сўзига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Чунки мактаб энг илгор замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Таълим муассасасидаги тадбирда Тошкентдан борган санъат усталари, маҳаллий санъаткорлар, шоирлар ва адиблар, ватандошларимиз, маҳаллий аҳоли ҳамда Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги элчихонаси ҳамда бош консулхона вакиллари иштирок этди. Ўқувчилар томонидан "Ҳамса" дostonлари ҳамда "Бобурнома" асосида тайёрланган сахна кўринишлари намойиш этилгани тўпаланганларнинг олқишига сазовор бўлди. 23 та қозоқ, 24 та ўзбек синфи мавжуд бўлган мазкур мактаб директори Гулзина Носир қиз мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанларининг ўқитилиши, адабиёт тўғрисидаги фаолияти, аксарият ўқитувчиларнинг Тошкентдаги олий таълим муассасаларида ўқигани ҳақида сўзлаб берди. Мактабнинг ўқувчи ва ўқитувчилар жамоасига Тошкентдан махсус олиб келинган бадиий китоблар, миллий кийимлар, ўзбек чолғу асбоблари соғва қилинди.

— Ҳозир Туркистон вилоятда Алишер Навоий номи билан аталган бешта мактаб, музей ва бошқа муассасалар бор, — дейди мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Бегмат Турдиқулов. — Ҳар йили улугъ шоирнинг таваллуд кўни арафасида навоийхонлик анжуманлари, мушоиралар ўтказиб келинади.

Шу мавзудаги сўхбатни Қозоғистон Республикаси "Дўстлик" ҳамжамияти раиси Абдулла Исмаилов давом эттирди:

— Алишер Навоий ва Мирзо Бобур таваллуд муносабати билан қадимдан Қозоғистон заминида яшаб келаётган биз — ўзбеклар учун бир неча йилдан буён алоҳида дастур

www.yuz.uz f yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news



Салим АШУР, Ёзувчилар уюшмаси раиси маънавиятчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

асосида маънавий-маърифий тадбирлар уюштириб, ўзбек-қозоқ халқлари ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаб келаётган Ўзбекистондаги "Ватандошлар" жамоат фондига, ушбу тадбирларда фаол қатнашиб, ўз ижоди, санъати билан биродарлик алоқалари мустаҳкамлашни муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистонлик шоирлар, олимлар, санъаткорларга самимий миннатдорлик билдираман.

Ахмед Бойтурмунов номидаги мактабда ўтган маънавий-маърифий тадбир ҳам қизиқарли, ранг-баранг дастур асосида тайёрланган билан ёдда қолди. Мактаб директори Лариса Сиротина ушбу таълим даргоҳида ўзбек тилини ўқитиш ва ўрганиш илгор инновацион воситалар асосида олиб борилаётгани тўғрисида маълумот берди:

— Мактабимизда ўзбек тилида ўтказилган "Она тилим — жону дилим" халқаро танлови, фан олимпиадалари ғолиблари кўп, — дейди у. — Махоратли ўқитувчимиз Хуснобод Саидалиева ўқувчиларга ўзбек миллий қўшиқ ва рақсларини ўргатади. Ўқувчиларимиз шаҳар ва вилоят миқёсида ўтадиган санъат ва маданият тадбирларида муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга кўришмоқда.

Туркистон вилояти ва Чимкент шаҳридаги мактаб ўқувчилари ўртасида Алишер Навоий асарларини тарғиб этиш ва ўрганишга қаратилган уч босқиндан иборат танлов Чимкент шаҳридаги Ўзбек драма театрида бўлиб ўтди. Кўрик-танлов қизин баҳслар билан кечди. Танловни навоийшунос, адабиётшунос олимлардан иборат нуфузли хайъат баҳолаб берди. Хайъат аъзолари таркибидан ўзбекистонлик олим, филология фанлари доктори Хулқар Ҳамроева ҳам бор. Ушбу танлов ҳамда "Она тилим — жону дилим" халқаро танлови, фан олимпиадалари ғолиблари билан неча ташкилотларнинг, жумладан, қўшни республикада ўзбек тилида нашр этилган "Жанубий Қозоғистон" газетаси томонидан

Хайитбоев ва Дилноза Отахўжаева ижросида Алишер Навоий ва Заҳридин Бобур ғазаллари асосида халқона, замонавий қўшиқлар ижро этилди.

— Қозоғистон заминидаги миллатдошларимиз, ватандошларимизнинг ҳаёти билан яқиндан танишиб, кузатиб, улар ҳар доим юртимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни диққат билан кузатишига амин бўласиз, — дейди Ўзбекистоннинг Олмаота шаҳридаги бош консулхонаси биринчи котиби Эркин Абдуқаюмов. — Хориждаги ватандошларимизнинг фарзандлари асосан инглиз, рус ёки маҳаллий тиллардаги мактабларда таълим олади. Улар учун, айниқса, Алишер Навоий, Заҳридин Мухаммад Бобур ижодини чуқур ўрганиш гоят муҳим. Чунки аллома шоирларнинг байтлари, ҳикматлари, рубоийлари ўзга юртларда униб-ўсаётган ўзбек болалари ва ўсмирлар учун кучли тарбиявий аҳамиятга эга.

Консулнинг фикрларини Қозоғистондаги ўзбек диаспораси фаоли, катта ҳаётли ва меҳнат тажрибасига эга инсон — Икром Ҳошим-жонов ҳам қўллаб-қувватлади:

— Ўзбек — қозоқ, қозоқ — ўзбек азалдан бир-бирини қиз олиб, қиз берган халқ. Бир-бирининг хонадонидан ҳеч қачон қадам унилмаган. Қадимдан буён ватон келаётган ана шу қондошлик, жондошликни янги даврда янги босқичга кўтарган Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари биз, нурунийлар, фахрийлар раҳмат айтаман. Кейинги йилларда дунёда рўй бераётган кескин ва зиддиятли воқеалар минтақа давлатларининг ўз келажигани қуришда ҳамжиҳат, ҳамкор бўлишни тақозо этмоқда.

Хазрат Алишер Навоийнинг: Олам аҳли, билинмакким, иш эмас душманлик, Ёр ўлуғ бир-бирингизаким, зурур ёриш иш

деган ҳикмати сўзлари бутун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолди.

— Фаолиятимиз давомида юртимиз бўйлаб ёш хорижий мамлакатларда кўп сафарларда бўлганман ва кузатиб амин бўлдимки, Алишер Навоий ва Заҳридин Мухаммад Бобур ижоди мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари бўлган юртдошларимиз, қолаверса, бошқа юртлардаги аҳоли орасида ҳам дўстлик, биродарликни мустаҳкамловчи аҳамиятга эга, — дейди тележур-

налист Иқбол Қирғизбоева. — Шу боис, Навоий ва Бобурдан бошланган адабий анъаналар ҳозир ҳам яшаб, давом этиб келмоқда.

Алишер Навоий ва Заҳридин Мухаммад Бобур таваллуд айёмига бағишланган навбатдаги маънавий-маърифий тадбир Оқтов шаҳридаги "Дўстлик уйи" бўлиб ўтди. Унда ватандошларимиз — ўзбек ва қорақалпоқлар, шунингдек, озарбайжон, турк, туркман, чечен, осетин, эрон, рус ва беларусь миллий-маданий марказлари вакиллари иштирок

— Ўзбекистонда аждодлар меросига ҳурмат, миллий қадриятлар ва урф-одатларини асраб-авайлашга эътибор жуда юқори, — деди Атирав шаҳри ҳокими ўринбосари Эрдўст Абдуқаттаров. — Нафақат олимлар ва кеска зиёлилар, балки ёшлар ҳам Навоийни, Бобурни яхши билади. Уларнинг шеърлари, ғазалларини ёддан айтади. Ҳақиқатан, Навоий ва Бобур асарлари нафақат ўзбек ва туркий тили халқлар, балки бутун дунё халқларининг ноёб бойлиги эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Қозоқ ва ўзбек халқлари ўртасидаги адабий дўстлик абадий дўстликка айланган бораётган.

Дилторга куй-қўшиқлар барчани даврага чорлади, ўйин тушмаган бир киши ҳам қолмади, десак муволаға бўлмайдилар. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Жуматовнинг қўшиқларини залда ўтирган ватандошларимиз жўр бўлиб қуйилди.

"Ватандошлар" жамоат фонди фаоллари Ҳожибаков Исҳоқов, Одибек Комилов, Ўзбекистоннинг Оқтов шаҳридаги бош консули Жамолдинхўжа Абдуқаримовнинг жонбозлиги билан юқори кўрсатган артист Бахтиёр Жуматовнинг қўшиқларини залда ўтирган ватандошларимиз жўр бўлиб қуйилди.

Хуллас, Қозоғистонда инсониятни камолотга чорловчи ғоилар ижодкори бўлган Алишер Навоий ва Заҳридин Мухаммад Бобур хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилди. Юқори савияда ўтган барча тадбирлар ва анжуманларда улугъ мутафаккир ва аллома шоирларнинг улкан маънавий мероси бутун ҳам миллатларини, қалбларини яқинлаштиришга хизмат қилиб келаётгани таъкидланди.



нишонлаш мақсадида фондимиз томонидан Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан ҳамкорликда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Жанубий Корея, АҚШ, Европа мамлакатларида маданий-адабий тадбирлар уюштирилмоқда. Бу тадбирларда шоир, ёзувчилар, адабиётшунос ва тарихчи олимлар, санъаткорлар, маданият соҳаси вакиллари фаол иштирок этапти. Бугун турли давлатларда истиқомат қилаётган миллатдош ва ватандошларимиз орасида она тилимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз, санъатимиз, қадрият ва анъаналаримизни ёйиш, тарғиб этиш ҳамда ватандошларимизнинг кейинги авлодлари ҳам улардан тўла-тўқис баҳраманд бўла олишини таъминлаш фондимизнинг асосий вазифасига киради.

Буюк бобимиз Алишер Навоийнинг ҳайкали Токио, Шанхай, Вашингтон, Москва, Минск, Боку, Мозори Шариф, Ўш, Душанбе, Сеул сингари йирик шаҳарларда қад ростирилган эди. 2023 йили Қозоғистон пойтахти Остонада ҳам ўзбек халқининг буюк фарзанди, шоир ва мутафаккири Алишер Навоийга мухташам ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкалнинг очилиш маросимини иштирок этган ва нутқ сўзлаган давлатимиз раҳбари: "Ишончим комилки, Алишер Навоий ҳайкали икки халқ ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқ ришталарининг яна бир ёрқин рамзига айланади, унинг мероси эса яна кўплаб авлодларни буюк ютуқларга илҳомлантиради", деган эди.

— Ўзбек-қозоқ адабий алоқаларининг илдизи чуқур, — дейди Ўзбекистоннинг

дostonларини қозоқ тилига ўғирган. Кейинги йилларда "Маҳбуб ул-қулуб" асари қозоқ тилига муваффақиятли таржима қилинди. Шунингдек, Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-бадиий асарлар қардошлар тилида чоп этилмоқда. Айни жараён Навоий мероси бутун туркий дунёда фаол ўрганилаётганини кўрсатади.

— Мен ўзбек адабиётини қозоқ тилига, қозоқ адабиётини ўзбек тилига ўтириш билан шуғулланиб, ўзимнинг ижод қаламим ҳам чархланиб бораётганига амин бўлдим, — дейди қозоғистонлик ўзбек шоираси Раъно Дўсанова.

Жорий йил 9-13 февраль кунлари "Ватандошлар" жамоат фонди томонидан Қозоғистоннинг Туркистон вилояти, Чимкент, Оқтов ва Атирав шаҳарларидаги мактаблар, олий ўқув юртилари, театрлар ва маҳаллаларда адабий учрашувлар, китобхонлик кечалари, қизгин мушоиралар бўлиб ўтди. Туркистон вилояти Келес туманидаги Т. Бегманова номидаги 8-мактабда бўлиб ўтган учрашувда ватандошларимиз ҳамда Абай, Чукурсой маҳаллаларида яшаётган аҳоли вакиллари билан бирга, нурунийлар, хотин-қизлар, ўқувчи ёшлар, маҳаллий ижодкорлар иштирок этди. Қизқарғилар ўтган тадбирда Алишер Навоийнинг 585, Заҳридин Мухаммад Бобурнинг 543, қозоқ ёзма адабиёти асосчиси Абай Қўнонбоевнинг 180 йиллигига ургу берилди.

Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Султонмурод Олим ўзбек ва қозоқ халқларининг уч буюк шоири — Алишер Навоий, Заҳридин Мухаммад Бобур, Абай

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обуюани расмийлаштирган ташкилот жавоблар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246. 30829 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов Мусахҳи: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуриш Абдуллаев Манзиллими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй ЎЗА якуни — 23:50 Топшириқди — 00:00

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти) ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси